

**Дин – янгилик яратиш эмас,  
эргашишдир!**  
[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Сафар Ҳаваалий*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1435

**IslamHouse**.com

# الدين إبتاع ليس إبتداعا

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ سفر الحوالي

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1435

IslamHouse.com

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

Сўнг ...

Гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир, ҳар бир залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Оллоҳ таборака ва таолодан бизни гапларни эшитган ва уларнинг яхшиларига эргашган кишилар қаторида қилишини, қалбларимизни эшитган оятлар билан хушули қилишини, узву амалларимизни пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етказган ҳидоятга эргашган қилишини тилайман!

Зикр ҳалқаларининг аҳамияти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган амрдан келиб чиқади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига Оллоҳни зикр қилишлари учун байъат қилар эдилар. Шунинг учун ҳам, асҳобларига: «*Бировингиз биродари учун ўзига яхши кўрмаган нарсаларни яхши кўрмагунича (комил) мўмин бўла олмайди*», - дер эдилар (Имом Бухорий: 13, Имом Аҳмад: 14008).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: «*Дин – насиҳатдир!*», дея пурмаъно жумлани ҳам айтган эдилар (Имом Муслим: 205, Термизий: 4946). Шунинг учун ўзаро насиҳатлашиб, Оллоҳнинг зикрини олий қилиб, Оллоҳнинг уйларида бирида, бидъатчи ва фосиқларни ғазаблантириш учун, тўпланиб туриш керак. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

فِي بُيُوتٍ أذنَ اللهُ أن تُرْفَعَ وَيُذَكَرَ فِيهَا أَسْمُهُ، يُسَبِّحُ لَهُ فِيهَا بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ ﴿٣٦﴾ رِجَالٌ لَا تُلْهِيهِمْ تِجَارَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَن ذِكْرِ اللهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ ﴿٣٧﴾

«(У чирок) бир уйларда (яъни масжидларда ёки уйларида), Оллоҳ уларни баланд кўтариб (бино) қилинишига ва уларда Ўзининг номи зикр

**қилинишига изн берган (яъни амр қилган) эди. У (масжидларда) эртаю кеч У зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллохни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас» (Нур: 36, 37).**

«Ла илаҳа иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ!) дея берилган гувоҳлик, Оллоҳ таборака ва таолога бўлган иймон, тавҳид ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига издошлик ришталари бирлаштирган ушбу мажлис ва зикр ҳалқалари, биродарларимизнинг бу дунёдаги бўстонлари, руҳлари ва райҳонларидир. Бу бўстонлар, ҳар бир мўмин интиладиган ва ҳар кўнгил талпинадиган энг яхши маконлардир.

Биз эргашишга буюрилган Оллоҳнинг дини, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган дин бўлиб, Оллоҳ таоло унинг воситасида бидъатчилар ўйлаб топган ширк ва залолат сингари бидъат ва ифлосликларни Ер юзидан супуриб ташлайди. Натижада, Оллоҳ таолога энг кичик нарсалар билан осийлик қилинади. Демак, Ислом – эргашишдир, янгиликни ўйлаб топиш эмас! Хўш, бу жумланинг маъноси нима?!

Оллоҳ таборака ва таоло Мукаддас Қуръонидаги Анъом сурасининг охирида Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу «Ўнта васият» дея номлаган оятларни нозил қилди. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтди: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳри босилган васиятни кўрмоқчи бўлган одам – яъни, гўё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ёзиб муҳр босган ва ҳар биримизга юборган мактубини кўрмоқчи бўлган одам – ушбу оятларни ўқисин:

قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ عَلَيْكُمْ عَلَىٰ آلَا تَشْرِكُوا بِهِءِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقَ تَحْنُ نَرْزُقْكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَٰلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِءِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾ وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْكَيْلِ وَالْمِيزَانِ بِالْقِسْطِ لَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا وَإِذَا قُلْتُمْ فَاعْدِلُوا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ وَبِعَهْدِ اللَّهِ أَوْفُوا ذَٰلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِءِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٢﴾ وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِءِ ذَٰلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِءِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

«Айтинг: «Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз:

ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан (кўрқиб) ўлдирмангиз — Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз — бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз; Оллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан (яъни қасос олиш учун ё муртад бўлгани, ёки зино қилгани учун шариат ҳукми билан ўлдиришингиз мумкин). Шояд ақл юргизарсиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди. Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз! Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Сўзлаганингизда (гувоҳлик берганингизда) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам адолат қилингиз! Оллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Шояд эслатма(насихат) олурсиз, деб сизларни мана шу нарсага буюрди. Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди» (Анъом: 151–153)» (Табароний «ал-Мўъжамул Кабийр» 9917).

● **Мухр босилган васиятдаги эргашишга фармон ва (дин номи билан) янгилик (бидъат) яратмаслик**

Оллоҳ таоло бу ўн васиятни уларнинг энг буюги – Оллоҳ таолони яктолаш ва Унга шерик қилмаслик билан бошлади. Бу – динимиздан илк ўлароқ ўрганишимиз, қатъий риоя қилишимиз ва даъват этишимиз керак бўлган нарсадир. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳуни Яманга юборар экан, унга шундай деган эдилар: *«Дарҳақиқат, сен китоб аҳлидан бўлган қавм олдига борасан. Уларни илк ўлароқ «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деб гувоҳлик беришга (бошқа ривоятда: «Оллоҳнинг тавҳидига», яна бошқа ривоятда: «Оллоҳга ибодат қилишга»)чорла!»* – дедилар (Имом Муслим 29). Бу ривоятларнинг барчаси саҳиҳ бўлиб, ўрталарида бирон зиддият йўқдир. Чунки, Оллоҳга ибодат қилиш – Унинг тавҳиди ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб шаҳодат беришдир ва бу, биринчи вазифадир.



Охирги васият эса, гўё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафидан муҳр босилгандек. У – Оллоҳ таолонинг ушбу оятидир:

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن  
سَبِيلِهِ ذَٰلِكُمْ وَصَلْتُكُمْ بِهِ ۖ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

**«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб кўяр»** (Анъом: 153). Яъни, васият шу ҳидоятни ушлаш, унда юриш ҳамда ўнгу чапга боқмасликдир. Бу, ўнта васиятни тугаллаб, бошқаларини маҳкам тутиб туради. Оллоҳ учун қилинган барча ишнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машру қилган нарсаларга мувофиқ бўлиши шартдир.

Шу боис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бизнинг ишимиз бўлмаган амални қилса, у қайтарилгандир»*, – дедилар (Имом Муслим: 4590, Имом Аҳмад: 25986). Яъни, ўз эгасига қайтарилгандир. *«Бизнинг ишимиз бўлмаган»* дейишдан мақсад, барча ишлар шу ишга, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига мос бўлиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган иш ҳоким ва устун, бошқа

ишлар унга бўйинсунган ва унинг доирасида бўлиши керак. Агар тавҳиддан тортиб, то муомала ва шарият фуруъотларигача бўлган ишлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган ишга зид бўлса, у ишларнинг барчаси (Оллоҳ тарафидан қабул қилинмай), ўз эгасига қайтарилгандир.

### ● **Фотиҳа сураси ва у ўз ичига олган «эргашиш» ҳақиқати**

Бу дин «янгилик яратиш» эмас, эргашиш бўлгани ва нафсу ҳавога бўйинсунмагани боис, Фотиҳа сурасининг аҳамияти ва буюклиги туфайли Оллоҳ таоло уни намознинг ҳар бир ракаатида ўқишни машру қилди. Барча мусулмон намозининг ҳар бир ракаатида Қуръоннинг онаси ва Қуръондаги энг фазилатли сура бўлмиш Фотиҳани фарз ўларок ўқийди ва биз ҳам ўқиймиз. Ҳолбуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Фотиҳа сурасини ўқимай намоз ўқиган одамнинг намози тўқис эмасдир!»* дедилар (Имом Молик: 188, Имом Муслим: 904). Мазкур Фотиҳа сураси шу маънони, яъни, «Ислом дини янгилик яратиш эмас, эргашиш» эканини кафолатлаган.

Фотиҳа сураси тавҳид ва дин ишларини ўз ичига олган. Агар биз тавҳиднинг айрим уламолар тақсимлаган тўртта: Улуҳийят, Рубубийят, Исм ва сифатлар, Итоат ва Эргашиш тавҳидини назарда тутсак, уларнинг барчаси Фотиҳа сурасида кафолатланган.

Мазкур тақсим истилоҳий бўлиб, уни тўртта ёки камайтириб иккита қилинса ва: Тавҳид икки қисмдир: «Илмий эътиқодий тавҳид» ва бунинг ичига Исм ва сифатлардаги тавҳид ҳам киради ҳамда «Ибодат тавҳиди» деб ҳам аталган «Талаб қилинган амалий тавҳид ёки Улуҳийят тавҳиди»дир, дейилса ҳам бўлаверади. Рубубийят тавҳиди бундай тақсимотда исм ва сифатлардаги тавҳид ичига кирса, унинг айрим жиҳатлари «Улуҳийят тавҳиди» ичига ҳам киради.

Хуллас, энг катта фарзлардан бири ва Оллоҳ таолонинг бандалари устидаги ҳаққи бўлган тавҳидни мустақил суратда «Итоат ва эргашиш тавҳиди» десак ҳам, ёки «Итоат ва эргашиш тавҳиди» десак ҳам натижа бир бўлгани боис, Фотиҳа сураси уни барча қисмлари ва турлари билан ўз ичига олгандир.

Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло Рубуийят тавҳидини:

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!» (Фотиҳа: 2) оятида зикр қилди ва бу оят Рубубийят тавҳидини ўз ичига олди.

الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

«Беҳад меҳрибон ва ўта раҳмли» (Фотиҳа: 3) ояти эса Исм ва сифатлардаги тавҳидни ўз ичига олади.

مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ

«Қиёмат кунининг эгаси» (Фотиҳа: 4) ояти эса, Исм ва сифатлардаги тавҳид билан бирга, энг даҳшатли кун ва иймон рукнларидан бири – Қиёмат кунни, Жазо ва Тақдирлар кунинини эслатишни ҳам ўз ичига олган. У кунда тарозилар қурилади, амаллар ё қабул қилинади ёки рад этилади. У кунда одамлар икки гуруҳга айрилишади: бу гуруҳларнинг бири жаннатга, бошқаси эса жаҳаннамга киради.

Сўнгра Оллоҳ таоло:

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ

**«Биз Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз!»** – деди (Фотиҳа: 5). Бу – Ибодат ва Улуҳийят тавҳидидир. Бу – Оллоҳ таолони ибодат билан яктолашдир. Шунинг учун ҳам «Сенгагина» олмоши ибодат ва ёрдам сўрашни Оллоҳгагина чеклаб, феълдан муқаддам келган: **«Биз Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз!»** – деди (Фотиҳа: 5). (Араб тилида жўналиш келишиги одатда феълдан кейин келади. Бирон ҳаракатни кимсага хослаш ёки тингловчининг эътиборини қаратиш учун эса, феълдан олдин ҳам келади). Бу, Оллоҳ таолонинг қуйидаги оятига ҳам ўхшаб кетади:

قُلْ هُوَ الرَّحْمَنُ ءَامَنَّا بِهِ ؕ وَعَلَيْهِ تَوَكَّلْنَا ۖ فَسْتَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ



**«Айтинг: «У (Оллоҳ) Раҳмон — Мехрибондир. Бизлар Унга иймон келтирдик ва ёлғиз Унинг Ўзига таваккул қилдик — суяндик»** (Мулк: 29). Бу ҳам, юқоридаги оят каби, Улуҳийят тавҳидини ўз ичига олади.

Ҳа, Оллоҳ таолога ибодат қилиш биз интилаётган ғоя бўлиб, мақсадимиз Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризосига эришиш ҳамда Унинг жамолини жаннатда кўришдир. – Оллоҳ таоло бизу сизларга ушбу неъматни насиб этсин! – Бу, Оллоҳ таолога ибодат қилаётган барча мўминнинг ғоясидир.

إِيَّاكَ نَعْبُدُ

**«Сенгагина ибодат қиламиз!»** (Фотиҳа: 5).  
Роббимиз, биз Сенгагина ибодат қиламиз! Сенинг юзингни мақсад қиламиз! Бизни жаннат аҳлидан қилишингни истаймиз! Бизга саховатли юзингни кўришга муяссар қилишингни сўраймиз! Бинобарин, Оллоҳ таолонинг муборак юзига боқиш, аввалги яшаб ўтган ва энг шимарган умматлар ва солиҳ инсонларнинг ғояси эди.

Кейин, Оллоҳ таолонинг:

وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ

**«Сендангина ёрдам сўраймиз!»** ояти бор (Фотиҳа: 5).

Мазкур ғояни амалга ошириш учун восита ва ёрдамчи Оллоҳ таолонинг ўзидангина бўлиши

мумкин. Зеро ишларнинг барчаси Оллоҳдан ва Оллоҳга қайтади. Бу ишда бизнинг на кучимиз ва на кудратимиз бордир.

Оллоҳ таоло ҳадис кудсийда: «*Мен намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига айирдим*», – деди (Имом Молик «Муваattoъ» 188, Имом Муслим: 395). Келинглар, банданинг:

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

**«Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан»** (Фотиҳа: 6, 7) дея илтижо қилган (Фотиҳа сурасининг) иккинчи яримига боқайлик.

Биз Оллоҳнинг китоби ҳақида тафаккур қилишимиз, Оллоҳнинг китобини тушунишимиз керак. Чунки, бу буюк сурани намозимизнинг ҳар бир ракаатида такрорлашимиз буюк ҳикмат учун фарз қилингандир. Зеро, Оллоҳнинг ҳар бир каломиди ҳикмат, ибрат ва насиҳат бордир. Шундай экан, фарз ёки нафл намозларнинг ҳар бирида такрорланаётган энг буюк сура ҳақида нима дейсиз?!

**«Бизларни, ... Тўғри йўлга йўллагайсан»** (Фотиҳа: 6, 7). Бу – Оллоҳ таолодан Тўғри йўлга ҳидоят қилишини ҳар бир ракаатда сўраган тилагимиздир. Хўш, Тўғри йўл қайсидир?

Тўғри йўл – «Дин – эргашишдир» деган сўзимизнинг мазмунидир. Тўғри йўл – Исломдир. У – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидояти, Оллоҳ таолога итоат ва Ундан бошқа бирон зот учун ўнг ёки чапга оғмасликдир. Чунки, салаф солиҳлардан бири: «Тўғри йўл – Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумолардир», – деган. Яъни Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо ва салаф солиҳ раҳимаҳумуллоҳлар юрган йўлдир. Агар биз Қуръон ёки Ислом ёхуд суннат ёда хулафойи рошидийлар десак, буларнинг барчаси Оллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ҳидоят қилишини тилаётганимиз Тўғри йўл ичига киради.

Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу:

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ



«Дархақиқат, бу – Менинг Тўғри йўлимдир, бас, унга эргашигиз!» (Анъом: 153) оятини, мактабларда ўқувчиларга жуғрофий ва арифметик масалаларни тушунтиришда қўлланилган услуб билан, амалий суратда баён қилиб бердилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам битта тўғри чизиқни чизиб, унинг ўнг ва чап тарафларига бир неча чизиқлар чиздилар ва: Бу – Тўғри йўлдир ва у, Менинг Тўғри йўлимдир. **«Дархақиқат, бу – Менинг Тўғри йўлимдир ва унга эргашиглар!»**, – дедилар. Ушбу Тўғри йўл – Ислом ва суннатдир. Бу чизиқлар эса хар бир замон ва маконда кўпайган ва кўпаяверадиган истак, бидъат ва залолатлардир. Чунки Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: *«Яхудийлар етмиш бир гуруҳга бўлиндилар ва уларнинг биттасидан бошқа барчаси жаҳаннамдадир. Насронийлар етмиш икки гуруҳга бўлиндилар ва уларнинг биттасидан бошқа барчаси жаҳаннамдадир. Бу уммат тез кунда етмиш уч гуруҳга бўлинади ва улардан биттасидан бошқа барчаси жаҳаннамдадир»*, – деганлар (Шу мазмундаги ҳадис: Ибн Можа 3992). Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга: (Умматингиздан жаннатга кирадиган у бир гуруҳдаги одамлар) кимлар?, – деб сўралганида бир ривоятда: *«Жамоат!»* – деб (Ҳоким 443), иккинчи

ривоятда эса: «*Бугун Мен ва асҳобларим турган нарса(йўл)*», – деб жавоб берганлар (Ҳоким 444). Тўғри чизик атрофидаги чизиклар эса, Оллоҳ таолога асраши учун дуо қилганимиз ўша гуруҳлар, залолатлар ва истаклардир. Биз, Оллоҳ таолодан Тўғри йўл – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дини ва суннатига эргашишда устивор қилишини ёлбориб сўраймиз.

Тўғри йўлдан оғиш ва нафсу ҳаво ҳамда бидъатларга эргашиш – кўҳна ҳолатдир. Бу оятнинг ўзи ҳам шуни кўрсатмоқда. У, Оллоҳ таоло биздан аввал Китоблар ато этган, лекин, Тўғри йўлдан оғган икки уммат – яҳудий ва насронийларга ишора қилмоқда.

Ҳатто, улардан ҳам нарига кетса, башариятнинг барча залолати ва тавҳиддан ширкка оғишининг асоси (дин номи остида) янгиликлар ўйлаб топиш ва ДИНга эргашмаслик эканини кўраимиз.

Одамзот ҳаётидаги ширк – бидъатлар, бидъатларни ўйлаб топиш, истакларга (кўр-кўрона) эргашиш ва уларни Шайтоннинг чиройли қилиб кўрсатишидир. Чунки, Оллоҳ таоло биринчи отамиз Одам алайҳиссаломни тавҳидга фитратланган

пайгамбар қилиб яратганидан сўнгра, уни Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигина барча нарсаларни биладиган, одамзод ибодатнинг барча турлари билан йўналиши шарт бўлган Роб Илоҳ эканини биладиган қилиб қўйди. Шунинг учун одамзотнинг барча фарзанди фитрат узра дунёга келади. Дунёга келганидан кейин эса *«ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёхуд мажусий қилади»* (Имом Бухорий: 1358). Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, жамият, муҳит ва тарбия болани Тўғри йўлдан оздиради.

Бу, Оллоҳ таоло айтган ушбу оятнинг тасдиқидир:

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ  
أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا

**«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан** (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: **«Мен Парвардигорингиз эмасманми?»**, деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: **«Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз»**, деганларини эсланг!» (Аъроф: 172). Булар Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг

орқасини силаганида икки гуруҳ: оқ ва қора бўлган зурриётларидир. Ўшанда Оллоҳ таоло: *«Булар жаннат учун, (улар қилган ишга) эътибор бермайман! Мана булар эса жаҳаннам учун, (улар қилган ишга) эътибор бермайман!»* – деди (Ҳоким 84) ва улардан аҳду паймонни олди. Қиёмат кунда унутган одамларга ўша аҳду паймонни эслатади ва: Мен бобокалонингнинг пушти камарида турган пайтингда сендан «Менга ширк келтирмайсан!» деб аҳду паймон олганман!, – дейди.

## **• Башарият ҳаётида содир бўлган илк ширк ва илк залолат**

Ислом умматининг илм денгизи ҳисобланган Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтганидек, Одам алайҳиссаломнинг зурриёти ўн аср давомида тавҳид билан қолди. Бу ўн аср ичида обид, ибодат, тақво, парҳез ва хушу билан донғи чиққан солиҳ кишилар етишиб чиқдилар. Одамлар уларни севдилар, ардоқладилар, ибодат ва хушуларига лол қолдилар. Яхшилик ва Оллоҳ таолога яқин бўлиш аломатларини кўрганлари боис, уларнинг солиҳ, дўст ва суюкли банда эканликларида шубҳа қилмадилар. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда уларнинг исмлари

Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъук ва Наср бўлиб, солих инсонлар, мужтаҳид обидлар эканини зикр қилди. Улар тавҳид даври тугаган авлодлардан аввалги авлодда яшашган ва улардан кейин ширк пайдо бўлган эди.

Оламдан ўтишгач уларнинг издошлари нима қилишди? Улар шундай мазмундаги гапни айтишди: Биз уларни кўриб Оллоҳ таолога бўлган ибодатни эсга олар эдик. Улар бизга Оллоҳни эслатишар, савобли ишларга буюришар, гуноҳ ишлардан қайтаришар, Оллоҳга яқинлаштира- диган барча эзгу ишларни бизга айтишар ва ўзлари уларни ҳаётга татбиқ қилишар эди. Буни биз ўз кўзимиз билан кўрар эдик. Энди эса улар оламдан ўтдилар. Уларнинг ибодатларини қандай эслаймиз? Тоату ибодатда уларга қандай ўхшаймиз ва улар каби қандай ҳаракат қиламиз?

Уларнинг олдига шайтон келди ва: Модомик улар вафот этишган экан, суратларини чизиб олсангиз, бу суратларни кўрган пайтингизда Оллоҳнинг ибодатларини эслайсизлар. – Гўё, бу суратлар йўқолган ҳақиқатнинг таъбири ва мисоли бўлади – бу суратларни кўрганингиз маҳал ўша солих бандалар: Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъук ва Насрни

кўргандек бўласизлар ва худди уларнинг тириклик даврларидагидек Оллоҳ таолога ибодат қилиб, Оллоҳнинг итоатида тиришасизлар, – деди ва улар солиҳ одамларнинг расмларини чиздилар.

Хўш, Оллоҳ таоло бунга рухсат берганмиди?  
Ёки:

أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ سَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنَ بِهِ اللَّهُ

«**Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Оллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?!**» (Шўро: 21). Лекин, улар расмни чиздилар. Кейинги – иккинчи, сўнгра учинчи авлод келди. Биринчи авлод суратларни кўриб солиҳ инсонларни эслар ва Оллоҳ таолога ибодат қилар эди. Биринчи авлод кетганидан кейин нима бўлди? Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анху айтганидек, билим йўқолди! Яъни, замон ўтиши билан авлодларда билим камая бошлади. Охири, Оллоҳ таоло янги даъват ва янги пайғамбарни юборди. Бу ҳодисалар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигидан аввал бўлиб ўтган эди. Оллоҳ таоло ҳар бир фатрат замонда пайғамбарни юборар эди. Оллоҳ таоло ҳар бир асрда бу умматга Ислом

дини́ни янгитдан танитадиган киши (ёки кишилар)ни тайёрлаб қўяди.

Шайтон кейинги авлодлар олдига келди ва: Сизлардан аввалги авлодлар бу бут ва суратларга сиғинишар эди, – деди. Янги авлодлар Оллоҳни қўйиб мазкур бут ва суратларга сиғиниб, уларга дуо ва илтижода бўлишар ҳамда: Булар бизни Оллоҳ таолога яқинлаштиради! Биз – бечора, гуноҳу хатоларга ботган инсонлармиз. Шундай экан қандай қилиб Оллоҳ таолога яқин бўла оламиз? Яқинлашишимиз мумкин эмас!, – дейишар эди.

Шайтон шундай васваса қилди ва улар: Биз Оллоҳ таолога ўша солиҳ инсонлар воситаси билангина ибодат қиламиз. Шунинг учун уларни Бизни Оллоҳ таолога яқинлаштиришлари ҳамда Оллоҳнинг ҳузурида шафоат қилишлари учун васила – восита қиламиз!, – дейишди ва мазкур суратларга шайтоний шубҳалар билан сиғина бошлашди. Улар Оллоҳ таолони қўйиб сурат ва бутларга ибодат қила бошлашди!! Оллоҳнинг тавҳиди нутилди. Оллоҳ таоло улар ичига Нух алайҳис солату вассаломни пайғамбар қилиб юборди. Нух алайҳиссалом бу авлодни тўққиз юз эллик йил Ислом динига чорлади. Субҳоноллоҳ! У даврда одамзотнинг умри шунчалар

узун бўлар экан. Оллоҳ таоло у авлодларга шу умрлари мобайнида ҳам хужжатни барпо қилди. Шундай бўлсада, Оллоҳ таоло зикр қилганидек, Унга жуда ҳам озчилик иймон келтирди.

Бу – одамзот ҳаётида содир бўлган илк ширк эди. Нуҳ алайҳиссалом эса одамларни ширкдан тавҳидга қайтариш учун Оллоҳ таоло тарафидан юборилган илк пайғамбар бўлди.

### **• Ниятнинг ўзи, солих амал учун етарли эмасдир**

Хўш, мазкур солих инсонларнинг расмларини чизган одамнинг нияtlари ёмон бўлганмиди? Улар ўзларини жаҳаннамга олиб кирадиган амални қилишмоқчи эдиларми? Улар Оллоҳ таолодан узоқ бўлиш ёки бошларига Оллоҳнинг ғазаби ёғилиши учун солих инсонларнинг расмларини чизишган ёки ҳайкалларини тиклашганмиди?

Табиийки, улар буларнинг ҳеч бирини хоҳлашмаган ва, зотан, бу уларнинг ҳикоясидан кўриниб турибди. Шунинг учун бидъатчи ёки ўз истаги орқасидан кўр-кўрона юрган одамнинг: «Бизнинг мақсадимиз фақатгина яхшилик эди!



Ниятимиз ёмон эмас, тўғрилиқ эди!» – деб баҳона кидиришларига биронта ҳам хужжат йўқ. Тўғри, биз сизларнинг ниятларингиз ҳақида гапирмаяпмиз. Ниятларингиз яхши бўлиши мумкин. Чунки, Нуҳ алайҳиссалом қавмининг мақсади, ниятлари ҳам ёмон эмас ва ўзларининг жаҳаннам аҳлидан бири бўлишни исташмаган эди. Ҳатто, «Биз динда, дин номи остида биронта янгилик яратмоқчимиз!» ҳам демаган балки мақсадлари яхши эди. Аммо, ўз ташаббуслари билан бўлгани ҳамда Оллоҳнинг шариати ва ваҳийсига эргашмай дин ниқоби остида янгилик яратганлари учун, бу мақсадлари уларга фойда бермади.

Шунинг учун, энди, Оллоҳ азза ва жалладан ҳар намоз ва ҳар ракаатда улардек қилмаслиги, бизни Тўғри йўлда устивор тутиши, уларнинг йўлларидан асраши учун мадад тилаганимиз икки умматга қайтамиз. Юқоридаги ҳолатни Оллоҳ тарафидан ғазаб қилинган уммат – яҳудийларда мавжуд эканини кўрамиз.

Яҳудий халқи, худди насроний халқлар залолатга хосланганидек, ғазаб қилинишга хосланди. Ҳолбуки, ҳар иккиси ҳам мушрик халқлардир. Оллоҳ таоло улар ҳақида шундай деди:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصْرَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ

**«Яхудийлар: Узайр – Оллоҳнинг ўғли, насронийлар эса: Масих – Оллоҳнинг ўғли!,- дедилар» (Тавба: 30).**

Ҳа, уларнинг ҳар иккиси ҳам Оллоҳга ширк келтирдилар, кофир бўлдилар ва уларга азоб ваъда қилинди. Бу ҳақда Оллоҳ таоло Қуръонида хабар берганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам хабар бердлар. Зеро, бу икки уммат ичидан кимга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дини етиб борар ва унга иймон келтирмас экан, жаҳаннам аҳлидан бири бўлади.

Энди бу икки халқнинг аҳволига бир назар ташлайлик. Сизлар Оллоҳнинг китобида Фотиҳа сурасидан кейин Бақара сурасини ўқийсизлар. Ушбу муаззам китоб ўзидан аввалги барча самовий китобларни ўз ичига олган ва тасдиқлаган. Аввалги китобларда келган барча хабарларни Қуръон Карим ўз ичига олган ва унга қўшимчалар қўшган. Фотиҳа сураси Қуръон ўз ичига олган барча маълумотларни ўз ичидан мужассам қилган. Шунинг учун Фотиҳа сурасини ўқисак, Қуръоннинг хулосасини ўқиган бўламиз.

Бақара сурасини ўқиган пайтимизда эса, Фотиҳа сурасида ўқиган нарсаларимизнинг тафсилоти билан танишамиз. Бақара сурасида нималар билан танишамиз? Исроил ўғиллари ҳақида у ерда қанча гап ўтган? Исроил ўғиллари ҳақидаги хабарлар, гарчи кўпроқ яҳудийлар ҳақида бўлсада, икки турли бўлиб, яҳудийлар ва насронийлар ҳақидадир. У ерда муҳим савол туғилади: Нега яҳудий халқи ғазабга хосланган? Улар нима учун ва қандай қилиб Оллоҳ таолога қарши ўжарлик қилишган?

## • Яҳудийлар залолатининг айрим кўринишлари

Яҳудийлар қиссаларини ўқир экан, мўминнинг бадани жимирлаб кетади. Оллоҳ таоло уларни Фиръавндан, Фиръавннинг аъёнлари ва қавмидан қутқариб, душман қўлга олишига бир баҳя қолганида денгизда курук йўл очиб, душманларини чўктириб ҳалок қилди ва улар саломат чиқиб келишди. Кейин нима бўлди?

Оллоҳга шукр қилдиларми? Оллоҳнинг динида устивор турдиларми? Оллоҳнинг элчиси Мусо алайҳиссаломга эргашдиларми?

Йўқ! Бутларга сиғинаётган одамларни кўрдилар. Ўзлари Мисрда Фиръавнга ибодат қилишар эди! Энди эса бутларга сиғинаётган одамларни кўришди! Уллар, Оллоҳ таоло ҳикоя қилганидек, Мусо алайҳиссаломга:

أَجْعَلْ لَنَا إِلَهًا

«**Бизга ҳам илоҳ қилиб беринг!**» – дедилар (Аъроф: 138).

Субҳоноллоҳ! Оллоҳнинг неъматлари, тавҳиди ва шукронаси қаерда қолди?!

Улар ўша одамларникидек илоҳни талаб қилдилар!

Кейин, Мусо алайҳиссалом Тавротни қабул қилиб олиш учун кетди. Оллоҳдан тахталарни қабул қилиб олди ва қавмидан қирқ кун олисда қолди. Қайтиб келганида адашган Сомирий дин ниқоби остида янгилик ихтиро қилиб, Исроил ўғилларини

тавҳиддан ширкка буриб қўйганига шохид бўлди. Бу одам пайғамбар йўлидан кетди ва тиллодан бузоқ хайкалини ясаб: Бу – сизларнинг ва Мусонинг тангрисидир!, – деди. Қавмнинг аксарияти буни тасдиқлаб, иймон келтириб, бузоққа сиғинди! Яҳудийларнинг бир гуруҳи ҳозирги кунимизгача бузоққа сиғинмоқда ва уларни «сомира» ёки «сомирийлар» деб аталади. Субҳонаддох. Бу гуруҳ бузоққа сиғинади!!

Бу воқеъадан кейин Исроил ўғилларининг ҳаётида бошқа насалар ҳам бўлиб ўтди. Улар: Бизга Оллоҳ таолони аниқ кўрсат!, – деган талабни қўйишди. Оллоҳ таоло уларга ширинлик ва бедана ато этди. Бирок, Исроил ўғиллари: Йўқ! Биз сабзабот, бодринг, фасуль ва ясиқни хоҳлаймиз, – дейишди. Оллоҳ таоло уларни сигир бўғизлашга буюриб:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذَبْحُوا بَقَرَةً

«Оллоҳ сизларга сигир сўйишни буюрди», яъни, битга сигирни олиб, уни сўйинглар!, деганида эса (Бақара: 67) эркалашиб, ўжарлик қила бошлашди. Оқибатда, узоқ давом этган ўжарликдан сўнгра сўя олмасликларига оз қолганидагина бир сигирни бўғизладилар:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذَبْحُوا بَقَرَةً

«узок машаққатлар чекиб (ўша айтилган сифатларга эга бўлган сигирни топиб) сўйдилар» (Бақара: 71).

Биз, бу халқ ҳақида бошқа мақсадда эмас, фақатгина, ибрат олиш учун узок гапиришни хоҳлаймиз. Ундай бўлса, биз, яҳудийларда кўрмоқчи бўлган сифатлар нима? Улар Оллоҳ таолога била туриб осийлик қилишади ва ширк келтиришади. Ҳолбуки, Алий разияллоҳу анҳу улар ҳақида шундай деган: «Оёқларига теккан денгиз суви қуриши биланок:

أَجْعَل لَّنَا إِلَهًا كَمَا لَهُمْ آلِهَةٌ

«Бизга ҳам уларникидек илоҳ қилиб беринг!»— дедилар (Аъроф: 138). Мусо алайҳиссалом улардан қирқ кун айри қолиши билан эса бузоққа сиғиндилар».

Оллоҳ таоло бу халққа қишлоққа – Муқаддас ерга киришга буюрди ва уларга ғалабани ваъда қилди. Улар эса Мусо алайҳиссаломга:

فَأَذْهَبَ أَنْتَ وَرَبُّكَ فَقَتَلْنَا إِنَّا هَاهُنَا قَاعِدُونَ ﴿٤٤﴾

**«Сен Роббинг билан бирга бориб жанг қилавер! Биз шу ерда ўтириб турамыз!»** – дедилар (Моида: 24). Бу – расволик эди! Оллоҳ таолога расволикдан сиғинамыз! Оллоҳнинг дини олдиларида, Калимуллоҳ уларга йўл кўрсатиб, даъват қилмоқда! Бирок, улар била туриб булардан юз ўгирдилар!

Шунинг учун ҳам буюк имом Суфён ибн Уйайна раҳимаҳуллоҳ ҳам шундай деган. У айтган гап Умматнинг билим уммони Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан нақл қилинган: «Адашган олимларимизда яҳудийларга, адашган обидларимизда эса насронийларга менгзашлик бор!».

Биз:

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

**«Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан»** (Фотиҳа: 6 – 7) дейишимиз билан, яҳудийлар залолати каби залолат ва насронийлар йўли ва ибодати бўлган

жаҳолат ва залолат йўли билан ибодат қилишни хоҳламаймиз. Балки, Оллоҳ таоло бошқа бир оятда зикр қилган ва инъомлар ато этган бандаларнинг йўлини назарда тутамиз ва шугина Тўғри йўлдир::

فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ  
وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا ﴿٦٩﴾

«Кимда-ким Оллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайғамбарлар ҳақ-рост иймон эгалари, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир» (Нисо: 69).

## ● Калом аҳли залолатда яхудийларга менгзадилар

Билим йўлидан адашган залолатдаги- ларнинг бу уммат ичида ҳам кўп намуналари бордир. Буларнинг энг катта намуналари Калом олимлари деб аталган мантиқшунослардир. Улар Оллоҳнинг динини фалсафаларга, чигал ва мавҳум ишларга айлантириб, юнонларнинг гаплари ва мантиқдаги қоидаларини ва мутахассисларгина била оладиган бошқа нарсаларни киритиб ташладилар. Буларнинг



чанги барча ишларда оммани ҳам кирлатди. Калом аҳллари Оллоҳ таолога била туриб осий бўлган ғазаб қилинган яҳудийларга жуда ҳам ўхшашдир.

Булар шундай дейдилар: Дин – эргашиш эмас! Биз уни ваҳий билан олмаймиз. Қуръон ва суннат насслари аниқ хабарни ифода этмайди – Оллоҳ сақласин! – Аниқ хабарни қаердан оламиз?! Аниқ хабарлар илмий хулосалар ва ақллари қийналган назарий хужжатларда мавжуддир! Қуръон ва суннат насслари эса шубҳали кўринишлардир.

Ҳа, улар шундай дейдилар ва уларга, Оллоҳ сақласин, шайтонлари шундай васваса қилишмоқда.

Ҳаммага аён бўлиши учун битта мисол келтирамиз. У – Оллоҳ таолонинг бандаларидан юксакдалигидир. Оллоҳ таолонинг барча махлуқларидан юксакда ва Аршнинг устида эканини ким инкор этади? Ҳолбуки, Оллоҳ таоло Қуръон Каримда:

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى ﴿٥٠﴾

«Раҳмон (Оллоҳ) Аршга кўтарилди», – деган (Тоҳа: 5).

Кўтарилишдан кўра юксакликнинг ўзи аниқ кўринмоқда. Ҳар бир инсондаги фитрат Оллоҳ таолонинг юксакда, Олам устидаги осмонда эканига шоҳиддир. Булар эса калондимоғлик ила фитратга қарши туриб, уни инкор этдилар ва: Ақлий хужжатлар Оллоҳ хабар берганидек Оллоҳнинг осмонда экани кўрсатмаяпти, – дедилар. Оллоҳ асрасин! Улар бу гаплари билан шу мавзудаги бутун оят ва ҳадисларни рад этиб, инкор қилдилар ва: Оллоҳ таоло бу оламнинг на ичи ва на ташқарисида, на ўнги ва на чапида, на усти ва на остидадир, дедилар. Оллоҳ таолодан офият сўраймиз!

Шайхулислов Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ шундай дейди: «Агар бировга йўқ нарсани таърифлаб беринг-чи, дейилса у шундай жавоб беради: Оламнинг на ичи ва на ташқарисида, на усти ва на остида, на ўнги ва на чапида бўлмаган нарсга «йўқ»дир». Бундан ортиқ мукамал жавобни топиш қийин. Бироқ улар: Бунинг учун қатъий далиллар ва ақлий хужжатлар керак, – дейишади.

Демак, уларнинг тасавурида Қуръон ва суннатга эмас, ўзларининг ақллари ва фикрларига эргашиш керак. Шунинг учун ҳам, улар муаззам хайрат ичидадирлар.

Ўша «ақллилар»га ва омма ичидаги Оллоҳ раҳм қилмаган талайгина одамларга: Оллоҳ таоло айтди! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди!, – десангиз сизга: Бу менинг ақлимга тўғри келмаяпти! Сенинг ақлингга қандай тўғри келаяпти?!, – дейишади. Субҳоноллоҳ! Оллоҳ бизни ақлимизга ташлаб қўйганми?!

Бу «ақллилар» ўз ақл ва билимларини олишаётган Афлотун, Арасту ва бошқа файласуфлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юборилишларидан илгари яшаганлар. Шундай эмасми?! Агар уларда ҳидоят, эзгулик, ҳақиқат ва Тўғри йўл бўлса эди, одамлар Оллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборишига муҳтож бўлишмас эди. Лекин, Оллоҳ таоло Уни пайғамбар қилиб жўнатди ва бизга Унга издош бўлишни буюрди. Демак, Унинг шариатидан бошқа барча йўллар ким тарафидан айтилган бўлса ҳам залолатдир. Ақллар Оллоҳнинг шариати, Оллоҳнинг исму сифатлари ва тавҳид масалаларида қонун чиқара олса, бу – ширк бўлади. Бирок, оммадан бири ақл чиқарган қонунларни: Ширк эмас. Бу, ақлнинг зоҳирий ҳукмидир. Мен Оллоҳдан бошқа бирон зот таъсир эта олишига ишонмайман. Чунки таъсир этувчи зот – Оллоҳдир. Лекин, бу –

восита, холос, – дейди. Биз ундан: Бунинг далили нима? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни мурдалар ёки мозорларда ётган одамларни восита қилишга буюрганмилар?, – деб сўраймиз. У: Бунинг далили йўқ. Лекин, ақл ва фикр билан кўриниб турибди, – деб жавоб беради.

Биз яна истаклар ортидан кўр-кўрона эргашиш, гарчи ақл деб аташса ҳам гумон ва шубҳалар ортидан юришга қайтамиз. Улар хайронлигу залолат ботқоғига ботдилар.

Калом илмига киришган, Оллоҳнинг ҳидоятидан йўқсил ҳолатда бундай баҳсу мунозараларга берилган одам пушаймон бўлади, адашади ва дарбадар бўлади. Улар ичидан бу йўлдан қутилганлардан бири ҳисобланган Жувайний ўлими олдидан шундай деган: «Ўзимни тўлқинли денгизга урдим ва Ислом уламолари таъқиқлаган сувларда суздим. Мана энди Нисобур кампирларининг динида – илк фитратда – жонимни таслим қилаяпман. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло мағфират қилмаса Ибн Жувайнийнинг ҳолига вой!».

Бу одам кампирлар дини – илк фитрат – билан ўлди. Тўлқинли денгизни ва унда сузганича

масофаларни ташлаб кетди. Оллоҳнинг шариатига зид бўлган барча нарса гарчи фалсафа ёки фан, масалан, психология фани, иқтисод фани, сиёсатшунослик фани деб аталсада, масала унинг фанлиги ёки фан деб аталишида эмас. Масалан, жодугарликни ўрганиш куфрдир. Чунки Оллоҳ таоло:

حَتَّى يَقُولَ إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرُ<sup>ط</sup>

**«Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар»** деган (Бақара: 102). Икки муаллим – Ҳорут ва Морут одамларга сеҳргарликни ўргатишди. Улар: Сиз сеҳрни ўрганмоқчимисиз?, – дейишар ва одам: Ҳа, – деса: Биз – фитнамиз, кофир бўлманг!, – дейишар эди. Яъни, агар биз сизга бунини ўргатсак, сиз кофир бўласиз, – дейишар эди. Демак, сеҳр – куфрдир. Оллоҳ таоло эса уни «илм» – фан деб атади.

Демак, бу ерда масала унинг илм экани эмас. Лекин, бу мантиқ илмига эргашиш керакми? У, Оллоҳнинг ваҳийларидан бирими? Салаф солиҳ бу илм билан шуғулланганми? Мана шуни билиш

асосдир! Йўкса, илмлар жуда ҳам кўп. Унутмаслигимиз керакки, мезон Оллоҳ таолонинг Қуръони ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидир. Демак, яхудийларга Ислом уммати ичидан Оллоҳнинг дини ва Қуръонидан била туриб воз кечган одамлар менгзашади.

Оллоҳ таоло ушбу Каъба ҳақида:

وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ وَأُمَّنًا

«Эсланг: **«Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик)»** (Бақара: 125).

Оллоҳ бизга унинг Қора тошини ўпиш имконини берди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни машру қилдилар. Шундай бўлсада, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Қора тошга: «Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен сенинг на фойда ва на зарар бера оладиган тош эканингни биламан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сени ўпганини кўрмаганимда сени ўпмас эдим» деган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу Қора тошни ҳурмат қилгани ва уни эъзозлаганида ҳеч шубҳа йўқ. Шундай бўлсада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ машруъ қилган пайтдан бошқа маҳалда бу тошни силаб, ўпдиларми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилдиларми? Йўқ, ундай қилмадилар!

Агар илмий дипломларни олган, катта китобларни ёзаётган ва қўлларини Қора тош каби ўпиладиган ва силанадиган қилиб олишган, олдиларида одамлар эгиладиган, ҳузурларига одамлар бориб келишадиган кимсаларга, била триб Оллоҳга осий бўлгани боис ғазаб қилинган халқ – яҳудийларга муносиб бўлган нарсалар муносиб келади. Чунки булар ҳам қилаётган ишларини Оллоҳ машруъ қилмаган ва уларга Оллоҳ изн бермаган эканини жуда яхши билишади. Шундай бўлсада, бу ишлардан воз кечишмайди. Одамларни Оллоҳнинг шариати ва амру фармонларига қарши чиқадиган мурид шайтонга айлантиришади!

Ҳатто, уларнинг айримлари борки: Пир буюрса қаршилик қилма! Унинг ҳузурида ғассол олдидаги ўликдек тур!, – дейишади. Тасаввуф уламолари – залолат уламоларидир! Мурид пирининг

олдида ғассол олдида турган маййитдек жим туриши, ғассол уни хоҳлаганидек у тараф ва бу тарафга ағдарганидек, уни хоҳлаган кўйига солиши мумкин. Ҳатто, ҳаёсизикка буюрса ҳам итоат қилиши керак!! Чунки муридлар: Пир ҳамма нарсани билади! Агар ҳаёсизликни қилишга буюрган бўлса, демак, у, мурид учун қандайдир фойда борлигини билган! Бу ишдан кейин ухлаб, Оллоҳга тавба қилади ва муридинг аҳволи аввалгисидан кўра яхшироқ бўлади, – дейишади... Оллоҳ бундай (эътиқодлардан) асрасин!

Пирлар Оллоҳ ҳаёсизликни ҳаром қилганини билишади, бироқ, уни қилишга буюришади. Улар қилаётган ишлари бидъат эканини билишади, бироқ, озгина моддий даромад, одамлар қўлидаги молларни ноҳақлик билан ейиш ва ботил нарсалар билан эъзозланиш учун қилишда давом этишади. Оллоҳ бундай инсонларни шундай ҳикоя қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَخْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لَيَأْكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ  
بِالْبَطْلِ وَيَصُودُونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ

**«Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Оллоҳнинг йўлидан тўсадилар» (Тавба: 34);**



أَتَّخِذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرَهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ

**«Улар Оллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих бинни Марямни Парвардигор деб билдилар» (Тавба: 31).**

Ғазаб қилинган халқ – яхудийлар ўз донишмандлари – раввинларини, адашган халқ – насронийлар эса роҳибларини Оллоҳни қўйиб илоҳ қилиб олишди. Оллоҳ таоло айтди:

وَرَهْبَانِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ

**«Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга (роҳиб бўлишларини) ёзганимиз — буюрганимиз йўқ» (Ҳадид: 27).** Улар бу роҳибликни ўйлаб топиб, Оллоҳ нозил қилган таълимотларга риоя қилмадилар. Аксинча, Оллоҳ уларга буюрмаган нарсаларни ўйлаб топишди. Шундай бўлсада Оллоҳ таоло айтганидек:

فَمَا رَعَوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا

**«... сўнг унга тўғри-тўла риоя қила олмадилар» (Ҳадид: 27).**

## ● Хавориж ва сўфийлар нарсронийларга менгзадилар

Ислом уммати ичида ҳам, гарчи ҳақиқатни мақсад қилишсада, Оллоҳ таолога жоҳилона ибодат қилган залолат намояндалари пайдо бўлди. Улардан бири хаворижлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Абу Саид ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳумолар хаворижларнинг жамлоғига кирганлари маҳал уларнинг Қуръон тиловатларини ва Қуръонни таҳажжудларида батамом ўқишларини, қилган кўп ибодатлари таъсирида пешона ва кўлларида худди чўкаверганидан туяларнинг тиззаларида пайдо бўлганидек кадоқлар пайдо бўлганини кўриб, кўнгиллари юмшади. Бироқ, хаворижларга қилган бу ибодатлари фойда бердими?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хаворижлар ҳақида шундай деган эдилар: *«Агар уларни кўрсам, Од ва Самуд (қавмлари)ни ўлдиргандек ўлдирар эдим»* (Асбаҳоний «ал-Муснадул мустахраж ала Саҳиҳил Имами Муслим» 2373). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари хаворижларга қарши уруш очиб, битта жангнинг ўзида улардан тўрт мингтасини

Ўлдирдилар. Оллоҳнинг динини бошқалардан кўра яхшироқ билган саҳобалар, уларни қатл қилишга қарор қилдилар. Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ўз ибодатлари олдида сизларнинг ибодатларингизни, қироатлари олдида сизларнинг қироатларингизни камситади-лар»* дея таърифлаган одамларга қарши жанг қилдилар. Чунки бу ибодат ва қироат, залолат ва динни билмаслик асосида бўлган эди. Улар бу билан насронийлар роҳибларига менгазаб қолишган эди.

Пайдо бўлган бошқа гуруҳлар ҳам шу икки халқ – ғазаб қилинган ва адашган халқлар таъсирида вужудга келди. Оллоҳ таоло биз ва сизларни бундай гуруҳлардан асрасин ва Тўғри йўлига хидоят қилсин!

Калом аҳли: Диндаги манбаъ – Қуръон ва суннат эмас, ақлдир, – деган пайтда бошқа одамлар келиб: Манбаъ – ақл эмас, аксинча, кўнгилларда пайдо бўладиган кашфиётлар – кашфиёт ва ладуний билимлардир, – дедилар. – Бу ерда назарда тугилган кашфиётлар нима?, – деб сўралганида шундай жавоб бердилар: Улар – зикр, ибодат ва тунларни бедор ўтказиш оқибатида уйқуда ваҳий қилинадиган нарсалардир. Ўшанда кўнглингизга бир гапни

ташланади ва унинг Тўғри йўл эканини биласиз. Мана шугина тўғри ва дин бўлиб, унга эргашишингиз лозим.

Бундай одамларнинг пешволаридан бири: Тушимда фалон зикрни қилишимиз кўнглимга солинди, – деди. Ундан: У зикрни неча марта айтиш кеарк?, – деб сўралганида: Ўн минг марта!, – деб жавоб берди. Агар унга: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнгра «Субҳоноллоҳ, валҳамдулиллаҳ ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»ни юз марта айтишга буюрди-ку?!, – дейилса: Йўқ, ўн мингта айтилмаса бўлмайтиди!, – деб туриб олади. Гоҳида бу шайхга арабча бўлмаган зикрлар ҳам «вахий» қилинади. Унинг ҳузурига бемор келса, тумор ёзиб: Буни кўксингга осиб ол!, – дейди. Ўша туморни очиб кўрсангиз тўртбучак ва учбурчак шакллар ҳамда бошқа тилларда ёзилган ёзувларни кўрасиз. Бу нима? Бу қандай илм? Улар: Бу – ладуний илм ва кашфиётдир, – дейишади. Улардан Қуръон ва суннат ҳақида сўрасангиз: Бу – зоҳирий илм, – деб Қуръон ва суннатни «зоҳирий илм» деб атайдилар. Улар: Қуръон ўқиётган авом халқ зоҳирий нарсалар устида юрса, ҳақиқат ва кашфиёт эгалари (авлиёлар)

ладуний ва кашфиётга оид илмлар билан юришади, – дейишади.

Агар уларга ражаб ойининг фазилатлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зиёрат қилиш ҳақидаги: «Ҳаж қилган бироқ мени зиёрат қилмаган одам менга жафо қилибди», «Мени зиёрат қилган одамга шафоатим лойиқ бўлибди» каби кўплаб ҳадислар ҳақида: Бу ҳадис заиф ёки уйдирмадир, – десангиз: Бу ҳадисларнинг Жарҳ ва таъдил уламолари уйдирма эканини айтишган бўлсада, имомлар ва қутблар уларни кашфиёт йўли билан саҳиҳ дейишган. Демак, бизда ҳадисларни саҳиҳ ва заифга ажратадиган алоҳида меъёр – Кашфиёт йўли бор. Ҳар бир олим бизга бошқасиникидан айри кашфиётни олиб келади, – дейишади. Чунки улар инсон ва жинлар ичидан етишиб чиққан шайтонлар бўлиб, бир-бирларига ширинсуханлик билан ифода этиладиган хабарларни бериб туришади. Бир шайтон ўзининг дўсти бўлган одамзот шайтонга бошқа шайтон бермаган хабарларни бериб туради ва оқибатда залолат, бидъат ва тариқатлар кўпаяверади.

Бугунги кунда Ислом оламидаги тариқатлар сони нечта? Саноғи йўқ! Ҳар бир тариқат йўлларга

айрилган. Қодирийлар тариқати тариқатлар ичида кенг ёйилганидир. Унинг эса турли тармоқлари бор. Ҳар бир пир битта тариқатни турли йўлларга бўлди. Оллоҳ азза ва жалла эса:

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ

«Дарҳақиқат, бу – Менинг Тўғри йўлимдир» деди (Анъом: 153) ва у – ягона йўлдир. Оллоҳ таоло айтди:

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾

«Бизни Тўғри йўлга ҳидоят қил!» (Фотиха: 6);

فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ

«Бас, унга (Тўғри йўлга) эрашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашманглар!» (Анъом: 153).

Тариқат йўлларига эргашманглар! Бу йўллар – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғри чизикни чизиб, унинг ўнги ва чапига чизган чизиклардир. Шунингучун ҳам, хаворижлар, сўфийларнинг пешволари, Оллоҳ таолога жоҳилона ва бидътлар билан ибодат қилган кимсалар, гарчи жиҳод қилса ҳам, рўза тутса ҳам, намоз ўқиса ҳам ва

ўзини авлиё деб ҳисобласа ҳам, қилган амаллари ботилдир ва улар Тўғри йўлда эмаслар.

## • Сўфийлар ўзларида икки залолатни жамладилар

Сўфийлар ва уларнинг издошларида икки тур залолат амалга ошди. Уларнинг айримлари яҳудийларга қўшилади. Улар Оллоҳ таолога била туриб осийлик қилдилар. Бошқалари эса насронийларга қўшилдилар ва Оллоҳ таолога жоҳилона ибодат қилдилар. Улар бугунги кунда ҳам мавжуддирлар. Улар ичидан Оллоҳ ҳидоят қилганларига бу ҳақда савол берсангиз, сизга шундай жавоб беришади: Мен кеча давомида «Субҳоноллоҳ валҳамду лиллаҳ»ни ўн бир минг марта айтиб, санаб чиққанман! Зикрни ўн бир мингта тўла айтиш шарт. Бир марта пирим етти минг марта айтишни тайинлади ва уни етти минг марта айтиш шартдир!, – деди.

Бундай узун ибодатни қандай қилишади? Сизнинг қўлингизда зикрлар ёзилган китоб йўқми? Масалан, намоздан кейин айтиладиган зикрлар баён қилинган «Тухфатул ахёр» каби китоб? У фазилатли шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз ҳафизахуллоҳ

– Умрларини Оллоҳ узоқ, билимлари билан бизга манфаатли қилсин – томонидан ёзилган мухтасар китобдир. Кенг тарқлган у китобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган зикрлар бор. Лекин, улар бу китоб ҳақида эшитишмаган. Шунинг учун пирларидан ўн мингта зикрни эшитишади ва: Ўнг мингта зикрни айтиш керак, дейишади. Агар Оллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам : Юзта, деса: Биз ўшани ўн мингта қилиб қўйдик! Чунки, ўн мингта юзтадан кўра кўпроқ!, – дейишади.

Хўш, ўн мингта айтган савобли, юзта айтган гуноҳқорми? Албатта, йўқ!

Шом намози уч ракаатдир. Уни ўттиз ракаат қилиб ўқисак ёки уч ракаатдан кўра кўпроқ қилиб ўқисак, Оллоҳ таоло уни биздан қабул қиладими?! Қабул қилмайди! Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бизнинг ишимиздан бўлмаган амални қилса, у (амали ўзига) қайтарилгандир»*, – деганлар (Имом Муслим: 4590). Яъни, у қилинган иш қабул қилинмайди, рад этилади. У амал қандай бўлмасин, уни қилган одам қанчалар ихлос ва яхши ниятлар билан қилмасин, қабул қилинмайди, рад этилади.



Оллоҳ таоло қайси амални қабул қилади?  
Оллоҳ таоло рози бўлган дин қайси диндир? Оллоҳ  
таоло айтди:

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ

أَحَدًا ﴿١١٠﴾

**«Жим Роббисига дуч келишни хоҳласа солих  
амал қилсин ва Роббисига қилаётгна ибодатида  
бирон кимсани шерик қилмасин!»** (Каҳф: 110).

Амалнинг қабул бўлиши учун иккита шарт  
бордир. Биз, Оллоҳ таолога итоат этишда лоқайдмиз.  
Бироқ, ҳар биримиз Унинг марҳамати ва афву  
мағфиратидан умидвормиз. Ё Оллоҳ, не ажабки, яна  
била туриб бидъатлар учун тиришамиз?! Оллоҳга  
итоатни тўқис жойига келтирмай туриб, қандай қилиб  
бидъатлар учун тиришамиз? Ахир, Оллоҳ таоло  
қудсий ҳадисда: *«Бандам Менга унга фарз қилган  
(ибодат)лар билан яқинлашгандек бошқа севимли  
нарсa билан яқинлаша олмайдилар»,* – деган-ку?!  
(Имом Бухорий: 6502). Оллоҳ таоло фарз қилган ва  
суйган ибодатлар – беш вақт намоз, рўза, ҳаж, умра,  
амримаъруф ва нахий мункардир. Шулар билан  
Оллоҳга яқин бўлинади. Оллоҳ фарз қилган  
ибодатларни бажо келтирмаётган уммат, бидъатларни

тиклаш учун қандай ҳаракат қилиб, динда дин номи билан янгиликларни қандай чиқаради?! У фарз ва мустаҳаб амалларни тугал бажариб, улардан кейинги нарсалар ҳақида ўйлаб қолдимиз?! Бунинг уддасидан ҳеч ким чиқа олмайди! Чунки, Ислом дини бундан кўра муаззам ва кенгдир ҳамда банда Оллоҳ таолога фарз қилинган ибодатлардан бошқа бирон сеvimли наrsa билан яқин бўла олмайди!

Одамларга эзгулик йўлларини кўрсатмоқчи, Оллоҳ йўлига чорламоқчи, Оллоҳни ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва уни сеvimшни хотирлатмоқчи бўлган даъватчилар, уларни Оллоҳ фарз қилган ибодатларни қилиш ва зиммамиздаги энг буюк масъулият – тавҳидга чорлаш билан бошласинлар. Одамларга тавҳидни ўргатиш, унга чорлаш билан бошлаб, намозга, зино, ўғирлик, пиёнисталик, хиёнаткорлик, ғийбат, чақимчилик, сохта гувоҳлик каби фаҳш, мункар ва катта гуноҳлардан воз кечишни ўргатайлик. Буларнинг барчаси зоҳирий гуноҳлар бўлиб, жамиятимизга илдиз отиб, чор атрофга ёйилган.

Ҳа, фарзларни бажо келтириш ва илоҳий фармонларга итоат этишда ғофилмиз ва мавлид, ражаб ва шаъбон ойидаги Оллоҳ таоло машру

қилмаган бидъатларни қилишда фаолмиз! Буларни қаердан олиб келдингизлар?! Булар Оллоҳнинг Китобида келганми ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари- дами?! Фаразан, улар Оллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатида машруъ бўлса ҳам, уларни Оллоҳ муқаддам қилишимиз кераклигига буюрган фарзлар – тавҳид ва беш рукнлардан муқаддам қўймаслигимиз керак. Машруъ бўлмаган у бидъатларни қандай муқаддам қилинади, қандай ўргатилади ва банданинг Оллоҳнинг ҳузурида нажот топишига восита бўлган тавҳидни – буюк асосни қандай тарк қилинади?!

Оллоҳнинг тавҳиди (Оллоҳни яктолаш) – кўнгилларни Оллоҳ таолонинг ўзи учунгина айиришдир. Яъни, Оллоҳдангина тиланади, мадад сўралади, Оллоҳга Оллоҳ имашру қилган нарсаларнигина восита қилинади. Ҳолбуки, Оллоҳ таоло шундай деган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَابْتَغُوا إِلَيْهِ الْوَسِيلَةَ

**«Эй иймон келтирганлар! Оллоҳдан тақво қилингиз ва унга васила излангиз!» (Моида: 35).**

Ҳар бир мўмин ва мусулмоннинг Оллоҳ таолога яқин бўлиш учун восита қилиши фарздир. Хўш, Оллоҳга яқин бўлиш учун нимани восита қилинади?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*(Оллоҳ таоло айтди): Бандам Менга унга фарз қилган (ибодат)лар билан яқинлашгандек бошқа сеvimли нарса билан яқинлаша олмайдилар. У Менга нафллар билан яқинлашаверади ва Мен уни суюб қоламан!*» (Имом Бухорий: 6502).

Фарзлардан бошлаймиз, сўнгра, ўтган икки шартлар билан нафлларга ўтаимиз. Мана шу – воситадир. Динимизда шундай катта восита бор! Калимаи тоййиба – садақадир. Ҳар бир таҳлил – садақадир. Ҳар бир ҳамд айтиш – садақадир. Одамзотнинг тилини шаррдан тийиши – садақадир. (Ҳа), Оллоҳ таолога бўлган восита жуда ҳам кўпдир. Буларнинг барчаси восита ва Оллоҳ таолога яқин бўлинадиган қурбатдир.

## **• Солиҳ амалда икки шартнинг бўлиши шартдир**

Биринчи шарт: амал Оллоҳ таоло учун холис бўлиши керак. Агар амал Оллоҳ учун холис бўлмаса,

Оллоҳ қабул қилмайди. Бу, қилган иши билан дунё матосини хоҳлаган одамга ўхшайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан ривоят қилган кудсий ҳадисда шундай дейилган:

*«Мен билан бирга бошқасини шерик қилиб амал қилган одамни ширки билан ташлаб қўяман!»* (Имом Муслим: 7666);

*«Мен шерик қилишдан энг беҳожат бўлган Зотман! Ким Мен билан бирга бошқасини шерик қилиб амал қилса, қилган амал (Менга) шерик қилингангадир»* (Ибн Муқриъ «ал-Мўъжам» 1247).

Оллоҳ таоло сиз қилаётган барча амаллардан беҳожат экан, нега Унга шерик қиласиз?!

Сизнинг бундай пайтдаги ҳолатингиз пулдор савдогарга совға бераётган одамга ўхшайди – Оллоҳ таолодан ўта давлатманд ва Унинг учун олий мисоллар лойиқдир! – У совғасини бераётиб: Шу совғадан фалончига ҳам бир оз берсангиз!, – дейди. Пулдор савдогар: Ундай бўлса бунинг ҳаммасини ўша одамга бераверинг! Чунки, мен бундай нарсага муҳтож эмасман, – дейди. Бир пулдор савдогар

шундай дер экан, қуйидаги ҳадисни айтган Оллоҳ ҳақида нима дейиш мумкин:

*«Бандаларим, сизларнинг аввалги-ю охиргиларингиз, инсонларингиз ва жинларингиз ичингиздаги энг тақволи одамнинг қалбидек бўлса, бу, менинг мулкимда бирон нарсани кўпайтира олмайди! Бандаларим, сизларнинг аввалги-ю охиргиларингиз, инсонларингиз ва жинларингиз ичингиздаги энг расво одамнинг қалбидек бўлса, бу, менинг мулкимда бирон нарсани камайтира олмайди!»* (Имом Муслим 6737);

وَاللَّهُ الْغَنِيُّ وَأَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ

**«Оллоҳ – беҳожат, сизлар эса ҳожатманд-сизлар»** (Муҳаммад: 38). Оллоҳни мушриклар тавсифлаётган сифатлардан поклайман! Демак, амал Оллоҳ учун холис бўлиши керак.

Иккинчи шарт: амал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига мувофиқ тўғри бўлиши керак. Амал қачон ва нима билан тўғри бўлади? Билим билан тўғри бўлади.

فَسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٧﴾

**«Агар билмасангизлар зикр аҳлидан сўрангизлар!»** (Анбиё: 7). Айрим одамлар эллик йил мобайнида намоз ўқийдилар, бироқ, келиб: «Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиз- дек намоз ўқингиз!» деган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларидек намоз ўқишаяптими ёки йўқми, деб уларнинг намозига қарсак, унга мувофиқ эмаслигини кўрамыз. Шундай экан, уларнинг намозлари қабул бўлмайди.

«Адий ибн Ҳотим:

أَتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ

**«Улар раввинлари, роҳиблари ва Масих ибн Марямни Оллоҳни қўйиб Роб қилиб олдилар»** (Тавба: 31) оятни ўқиётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб борди. Насроний бўлган Адий: Ё Расулуллоҳ, биз уларга ибодат қилмаганмиз!, – деди. Чунки, Адий ибодат – раввин, роҳиб, пайғамбар, шайх, қирол ва Оллоҳдан бошқа, уларга ўхшаганларга сажда ва рукуъ қилиш эканини тушунар эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: *«У (роҳиб ва бошқа)лар сизларга ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қилишса сизлар итоат*

*этмасмидингиз?!» – дедилар. Адий: Тўғри, – деди. – Ўша сизларнинг уларга қилган ибодатингиздир, – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.*

## **• Оллоҳнинг динида дин ниқоби остида янгиликларни ўйлаб топиш**

Оллоҳ таоло дин ниқоби остида янгилик ўйлаб топишни ҳаром қилганини билмайсизми? Билар экансиз, диний ишларда Оллоҳдан бошқасига итоат этманг! Оллоҳ таоло машру қилмаган, рухсат бермаган, рози бўлмаган, восита ва йўл қилмаган нарсани ҳеч бир одамдан қабул қилманг! Чунки, у – бидъатдир. Бидъат эса (Оллоҳга) яқинлаштирмайди, Ундан узоқлаш- тиради. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча йўллардан нақл қилинган ҳадисларида: *«Оллоҳ тавбани ҳар бир бидъатчидан тўсди»*, – деганлар (Байҳақий «Шуъабул иймаан» 6846).

Оллоҳ таолодан афву офият тилаймиз! Бизнинг доимо тиришган ва Оллоҳ таолодан тилаб, умид қилган нарсамиз – ҳаётимизнинг хотимасини чиройли қилиши, оғзимиздан чиқадиган охирги жумланинг «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлиши, Оллоҳнинг



бизга бу муаззам калимани ўлим пайтида айттириши ҳамда қабрда тўғри жавобни беришимизга муваффақ айлашидир.

Оллоҳ таоло бидъатчиларни тавба қилишдан тўсиб қўяди. Бу эса Оллоҳ таолонинг уларни ўлим талвасаси онда тавбага муваффақ қилмаслигига далолат қилади. Бу – Оллоҳнинг динида дин номидан янгиликларни ўз ташаббуси билан ижод қилгани ва одамларни Оллоҳ таоло машру қилмаган нарсаларга буюрганига лойиқ жазодир! Бидъатнинг хатарига қаранглар: фарзларни ва чиройли хотимани бой бердираяпти. Одам кўп амал қилган ҳолатида Оллоҳнинг ҳузурига келган ва Оллоҳ таоло айтганидек бўлган:

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ﴿١٣﴾ الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يُحْسِبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا ﴿١٤﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! Улар (кофир бўлганлари сабабли) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо (нодонликлари сабабли) ўзларини чиройли — яхши амал қилаётган

**кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!»»**  
(Каҳф: 103, 104).

Унинг сарф этган пуллари, меҳнатлари, қилган амаллари, хушу ва йиғи-сиғилари фойда бермайди. Чунки, Оллоҳ таоло унга битта йўлни берган ва у ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдир.

Ҳар қандай амалнинг Оллоҳ қабул қилиши учун икки шарт бордир: унинг Оллоҳ таоло учун холис бўлиши ва Оллоҳ нозил қилган таълимотларга мувофиқ бўлиши.

Дарҳақиқат, биринчи жоҳилият ва ундан кейинги замонларда пайдо бўлган ширк, залолат ва хурофотлар, Оллоҳнинг динида дин ниқоби остида янгиликлар яратиш натижасида содир бўлди. Араблар Иброҳим ва Исмоил алайҳимас- солату вассаломлар Каъбани қурганларидан бери тавҳид динида эдилар. Улар орасидан Амр ибн Луҳай Ҳузобий исмли одам чиқиб Шом ўлкасига саёҳат қилади ва араблар сингари чодирларда яшамайдиган, кўй ва туя боқмайдиган маданиятли халқни кўради. У маданият, қонун, мулкдорлик ва дабдабаларга шоҳид бўлади. Бу кўринишлар уни алдайди. Сўнгра улар эътиқод

қилган дин ҳақида ҳам фикр юритади: улар бутларга сиғинишарди. Улар черковларга Ийсо ва Бокира Марям алайҳимассаломларнинг расмларини чизиб, турли бут ва ҳайкалларни қўйиб олишган ва Оллоҳни қўйиб уларга ибодат қилишар эди. Амр ибн Луҳай уларни кўриб лол қолди. Чунки, буларнинг барчаси арабларга менгзамаган «маданиятли» халқдан содир бўлган эди. У, мазкур расмлардн олиб Маккага келтирди ва араблар уларни Каъбага осиб қўйишди. Шунинг учун ҳам, саҳиҳ ҳадисда айтилганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Луҳайнинг жаҳаннамда ичак-чавоқларини судраб юрганини кўрдилар (Ҳоким: 8789). Оллоҳ бизни ва сизларни бундай фалокатдан асрасин! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам *«унинг биринчи бўлиб ҳайвонларни бутларга атаган одам эканини»* таъкидладилар-ки, Оллоҳ таоло у жонлиқлар ҳақида шундай деган:

مَا جَعَلَ اللَّهُ مِنْ بَحِيرَةٍ وَلَا سَائِبَةٍ وَلَا وَصِيلَةٍ وَلَا حَامٍ وَلَكِنَّ الَّذِينَ  
كَفَرُوا يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ

**«Оллоҳ на «бахийра», на «соиба», на «васийла» ва на «ҳомий» қилишга (буюргани) йўқ. Лекин кофир кимсалар Оллоҳ шаънига ёлғон тўқимокдалар ...**

И з оҳ. Ислом, келишидан илгари арабларда шундай одат бор эди: бешта тукқан туянинг қулоғини кесиб, бутларга ҳадя этардилар. Шундан кейин уни соғиш ҳаром деб ҳисобланар эди. Бундай туяни «баҳира» деб аташарди. Бирон киши бетоб бўлиб қолса: «Соғайиб кетсам, туямни тангри йўлида ҳайдаб юбораман», деб қасам ичарди. Сўнг соғайгач, туясини кўчага ҳайдаб чиқарар ва ундан ҳеч ким фойдаланмас эди ва уни «соиба» деб аташар эди. Араблар кетмакет иккита урғочи бўталоқ тукқан она туяни ҳам «васийла» деб атаб, бутларга қурбонлик қилар эдилар. «Ҳомий» эса пуштидан ўн бўталоқ бўлган эркак туядир. Арабларнинг одатича, бундай туя ҳам ўз ишини қилиб бўлган деб ҳисобланиб, бўш қўйиб юборилар эди» (Моида: 103).

Амр ибн Луҳай биринчи бўлиб Оллоҳ таоло шаънига ёлғон гапирган, жонлиқ ҳайвонларни бутларга атаган, туялар ҳақида «баҳийра», «соиба», «васийла» ва «ҳомий» каби бидъатларни ўйлаб топган эди. Мазкур туяларнинг муайян хусусиятлари бўлиб, бутларга назр қилинар эди. Амр бин Луҳай бутларни олиб келиб, Араб ўлкаларига ширкни ёйган эди. Мазкур бидъатларни эса бутларга яқин бўлиш учун ўйлаб топган эди. Бу одам Иброҳим алайҳиссалом

миллатини тавҳиддан ширкка бурган илк одам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни ундан огоҳлантирган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган пайғом, тавҳид миллати бўлганларидан кейин араблар орасида кенг урчиган ширкнинг илдини қуритиш учун эди. Демак, Оллоҳ таоло тарқоқликдан сўнгра бирлаштирган ва кўнгилларимизни зулматдан сўнгра мунаввар қилгач, тавҳид миллатидан оғдирмоқчи бўлган кимсаларга итоат қилмаймиз. Чунки, мўминнинг йўлбошчиси ва ўрнаги – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Акси тақдирда унинг йўлбошчи ва ўрнаги Амр ибн Луҳай бўлиб қолади.

Ҳар бир халқнинг орасидан вақти-вақти билан янги Амр ибн Луҳайларнинг чиқишидан ҳайратланманглар! Чунки, ширкни ўйлаб топадиган одамларнинг, ордидан эса тавҳид эгаларининг пайдо бўлиши – Оллоҳнинг суннат-қонуниятларидан биридир. (Ҳа), ботил пайдо бўлдими, ҳақиқат юзага келаверади. (Ҳаёт) шундай (давом этаверади)... Фиръавн ҳам, Қуръон Карим ҳикоя қилганидек::

**«Мен сизларнинг буюк роббингиздирман!»** – деди (Нозиъат: 24) ва ўлди. Бироқ, ҳар бир замонда ўзини «Фиръавн» деб атамаса ҳам, «Мен, сизларнинг буюк роббингиздирман!» демаса ҳам, янги «Фиръавн» чиқиши мумкин. Оллоҳнинг дини ва қонунларини ўзгартирган ва одамларни Оллоҳни қўйиб ўзига сиғинишга чорлаган ҳар бир одам, Фиръавндек иш қилган бўлади. Бинобарин, бидъатчи ва залолатдагилар ўрнак олган одамлар – инсониятни тавҳиддан ширкка бурган Нух алайҳиссалом қавми ҳамда араб миллатини тавҳиддан ширкка бурган Амр ибн Луҳайдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Умматимдан бир гуруҳ ҳақиқат узра ғолиб туради ва уларга Оллоҳнинг амри келгунича муҳолиф бўлган одамлар зарар бера олмайдилар»* (Имом Аҳмад: 16956) ҳадисининг мазмуни: Бидъатни пайдо қилган ёки бидъатга чорлаган ҳар бир кишининг даъвати муваффақиятсиздир. Чунки, Оллоҳ таоло мазкур ғолиб гуруҳни улар устидан устун қилади, демакдир.

Тавҳид ва яна Тавҳид! Суннат ва яна суннат! Суннатга – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг суннатига риоя қилган одам қутилади! У – Нух алайҳиссаломнинг кемаси янглиғдир! Ундан юз ўгирган одам чўкиб, ҳалок бўлади. Тўлқинлардан тоғлар чўққисига тирманиб қутилиб қоламан деб ўйлаган одам, Оллоҳнинг азобидан қутила олмайди! Қутилишнинг ягона йўли – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига қатъий риоя қилишдир! Оллоҳ сари олиб борадиган ягона йўл – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига эргашишдир. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ...»** (Оли Имрон: 31).

Ягона йўл – шудир. Оллоҳ таоло ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатни иддао қилган одам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашсин, унинг муҳаббатини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида айтганларидек, ўзи, оиласи, мулки ва фарзандларининг муҳаббатидан муқаддам

кўйсин: «*Бировингиз Мен унга мулки, фарзанди, онаси ва барча одамлардан кўра севимли бўлмагунимча (комил) мўмин бўла олмайди!*» (Имом Бухорий: 15, Имом Муслим). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббат шу даражада бўлиши керак.

Муҳаббат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати ва турмуш тарзини суюшда намоён бўлиши керак. Шунинг учун фожирлар, осийлар ва кофирларни суйган одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни севмайди. (Айтинглар-чи), бировни яхши кўрганини иддао қилган одам унинг йўлига муҳолиф бўлиши, фармонларини рад этиши ва айтган гапларини пучга чиқариши мумкинми?! Бундай одам уни яхши кўрмайди. Чунки, унинг иддаоси алдамчидир. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таоло «машақат», «синов» ва «фитна» дея аталган оятда шундай деган:

«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашишлар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ...»** (Оли Имрон: 31). Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш биз фарз ва нафл



намозларнинг ҳар бир ракаатида устивор қилишини тилаганимиз Тўғри йўлдир. Оллоҳ таоло айтди:

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

**«Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлнинг бўлмиши — Тўғри йўлга йўллагайсан»** (Фотиҳа: 6, 7).

Оллоҳ таолодан бизни мустаҳкам суннатда бардавом қилиши, ундан билган ҳолимизда оғдирмаслиги ёки жоҳиллик ва залолат билан ибодат қилдирмаслиги, барчамизни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳларга инъом қилган Тўғри йўлига ҳидоятлаши, ғазабга дучор бўлган ва адашган кимсаларнинг йўлларида асраши, ҳақиқатни тинглаш, қабул қилиш ва унга эргашишга муваффақ айлаши, бошбошдоқ, оғувчи, бидъатчи ва адашган одамларнинг йўлларида узоқлаштиришини тилаймиз. Дарҳақиқат, Оллоҳ – эшитгувчи, (дуоларни) ижобат қилгувчи Зотдир.

Оллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, унинг оиласи ва асҳобларига салавоту саломлар йўлласин.

Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду  
санолар бўлсин.